

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Аниқ ва табиий фанлар**

МАТЕМАТИКА

**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**  
Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

**И.Аскарлов, А.Хаджикулов**  
Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

**А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов**  
Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

**И.Аскарлов, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров**  
М-ферроценилбензой кислотасининг метиллолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

**М.Акбарова**  
Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева**  
Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиши.....29

**Ижтимоий-гуманитар фанлар**

ИҚТИСОДИЁТ

**З.Таджибаев**  
Рақамли иқтисодиёт нима? .....32

ТАРИХ

**А.Азизов**  
Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини .....37

**З.Раҳманов, Р.Муродалиев**  
Фарғона вилояти ҳудудидаги мозор-кўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

**Ж.Адилов**  
Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

**Ж.Тоғаев**  
Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

**Қ.Пўлатов**  
XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафкуравий тарғибот қуроли сифатида .....61

**М.Тухтаева**  
Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

**Б.Аббасов**  
Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**З.Раҳимов**  
Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

УДК: 338.1+338.4

**ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ****РОЛЬ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ ССР В ГОДЫ ПОСЛЕ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ****THE ROLE OF AGRICULTURE IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE UZBEK SSR IN THE YEARS AFTER THE SECOND WORLD WAR****Б.Аббасов<sup>1</sup>****<sup>1</sup> Б.Аббасов**

— НамДУ архившунослик кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация**

Мақолада ЎзССР қишлоқ хўжалигининг урушдан кейинги йилларда ривожланиш муаммолари ёритилган. Совет раҳбарияти республика ҳукумати олдида пахтачиликни ривожлантириш юзасидан келгуси режаларни белгилаб берди. Натижада, қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда, пахтачилик республика иқтисодиётида устувор аҳамият касб этди ва Ўзбекистон ССРнинг кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида негатив оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

**Аннотация**

В статье изучены проблемы развития сельского хозяйства УзССР в послевоенные годы. Советское руководство поставило перед правительством республики задачу дальнейшего развития хлопководства. В результате сельское хозяйство, в первую очередь хлопководство стало приобретать приоритетное значение в экономике республики, что стало причиной для возникновения в дальнейшем негативной тенденции в социально-экономическом развитии Узбекской ССР в целом.

**Annotation**

The article studies the problems of agricultural development of the Uzbek SSR in postwar years. The Soviet leadership entrusted the government of the republic with the task to further develop the cotton production. As a result, agriculture, primarily cotton growing, became a priority in the economy of the republic, which resulted the emergence of a further negative trend in the social and economic development of the Uzbek SSR as a whole.

**Таянч сўз ва иборалар:** иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, мелиорация, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, саноат.

**Ключевые слова и выражения:** экономика, сельское хозяйство, хлопководство, мелиорация, социально-экономическое развитие, промышленность.

**Keywords and expressions:** economy, agriculture, cotton growing, land reclamation, socio-economic development, industry.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон раҳбарияти олдида пахта етиштиришни тиклаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. 1941 йилда республика бўйича пахта экиш майдони 927,8 минг га ни, пахта етиштириш 1 716,4 минг тоннани ташкил қилган эди. 1944 йилда эса бу кўрсаткичлар 719, 6 минг га ва 816,8 минг тоннани ташкил қилган [8,187]. Бундай ҳолат ССРнинг сиёсий раҳбариятини қониқтирмади, чунки урушдан кейинги совет иқтисодини ривожлантириш учун пахта етиштиришни кўпайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга эди.

Шундай қилиб, урушдан кейинги йилларда, фашист босқинчиларидан озод қилинган ССРнинг ғарбий районларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий

вазифаси халқ хўжалигини тинч ҳаётга мослаштириш ва совет иқтисоди учун жуда муҳим аҳамият касб этган пахтачиликни қайта тиклашдан иборат бўлди [7,77].

Шунинг учун 1946 йил 2 февралда СССР ХКСнинг “Ўзбекистонда 1946-1953 йилларда пахтачиликни тиклаш ҳамда янада ривожлантириш режаси ва тадбирлари ҳақида” ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда Марказ томонидан қўйилган топшириққа кўра 1953 йилга келиб, республикада пахта етиштиришни урушгача бўлган даражага нисбатан бир неча баравар ошириш кўзланган эди [4,471].

Шунингдек, 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессиясида 1946-1950 йилларда, яъни тўртинчи беш йилликда республика

халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ҳақидаги қонун қабул қилинди ва ушбу қонунда қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси-пахтачиликни ҳамда саноатнинг оғир индустрия тармоғини “уйғунлаштирилган ҳолда ривожлантириш” вазифаси кўйилган эди. Агар 1946-1950 йилларда бутун СССР бўйича саноат ишлаб чиқаришни 48%, қишлоқ хўжалигини эса 27% га ошириш мўлжалланган бўлса, Ўзбекистон ССР бўйича бу режалар деярли икки барабар юқори бўлиб, мазкур даврда республикада саноат ишлаб чиқариш 89% га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб бериш эса 52% га ўсиши вазифа қилиб белгиланган эди [3,222].

Бу тенденция кейинги йилда ҳам давом этиб, совет раҳбарияти томонидан республика олдига қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан янги вазифалар кўйилди. Масалан, Ўзбекистон Компартиясининг 1947 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Пленумида ВКП (б) МК Пленумининг “Қишлоқ хўжалигини урушдан кейинги даврда ривожлантириш тадбирлари ҳақида” ги қарори вазифаларини бажариш юзасидан республика партия ташкилоти томонидан махсус қарор қабул қилинган эди [2,270].

Мазкур пленумда республиканинг 1946 йил бўйича пахта тайёрлашда паст ҳосил олганлиги, жумладан, Хоразм области ва 33 та район ҳамда 1800 та колхоз ва кўплаб совхозларнинг планни бажармаганлиги кўрсатилиб ўтилган. Республика олдига кейинги йилларда нафақат пахта тайёрлаш планини бажариш, балки қишлоқ хўжалигининг дон етиштириш, чорвадорлик, ипакчилик, қанд лавлаги етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик каби бошқа соҳаларини ҳам жадал ривожлантириш вазифалари кўйилган эди [2,271].

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларнинг катта қийинчиликларига қарамай, совет раҳбарияти томонидан Ўзбекистон ССРнинг олдига биринчи ўринда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифасини юклади ва ушбу кўзланган режада пахтачилик соҳаси устувор аҳамият касб этди. Бу эса ўз навбатида, республика иқтисодий ва инсоний ресурсларини уруш давридагидан ҳам кам бўлмаган даражада жалб қилишни тақозо қилар эди.

Лекин пахтачиликни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга бўлганлиги учун, республикада пахта экиш майдонларини 1947 йилда 1946 йилга нисбатан 100 минг га кўпайтириш, яъни умумий экин майдонини 915 минг га етказиш, ҳосилдорликни эса ҳар га дан 17 ц га кўтариш вазифа қилиб белгиланди. Лекин областлар олдига ҳосилдорликни кўтариш бўйича бундай мураккаб, бажарилиши ўта қийин бўлган план вазифалари кўйилганлигига қарамай, республика партия раҳбарияти томонидан бу “минимал давлат вазифалари” сифатида эътироф қилинди.

Лекин республика учун 1947 йилга кўйилган ушбу “минимал давлат вазифалари” ҳам бажарилмай қолди. Бу ҳолатга эса СССРнинг партия ва ҳукумати томонидан республика раҳбариятининг пахта етиштиришда йўл қўйган йирик “камчиликлари” сифатида баҳо берилди.

СССР Министрлар Совети ва ВКП (б) МКнинг “Ўзбекистон КП (б) МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1947 йилда пахтачиликда йўл қўйган хатолари ҳақида” ги махсус қарорида Совет раҳбарияти республика партия ташкилоти ва ҳукумати асосий айбдор сифатида эътироф этилган. Шу даврдаги Ўзбекистон ССРнинг раҳбарлари Усмон Юсупов ва Абдужаббор Абдураҳмоновларга “Республика манфаатларини умумдавлат манфаатларидан устун қўйганлиги, колхоз ва колхозчиларни давлат планида кўрсатилмаган Чоржўй-Қўнғирот темир йўлининг қурилишига жалб қилиниши ва шу каби бошқа қурилишларга аҳамият берилиши, шунингдек, пахтачилик учун мўлжалланган катта кучларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши натижасида пахта плани бажарилмагани” каби сабаблар асосида айб кўйилди [2,274].

Чоржўй-Қўнғирот темир йўлининг қурилиши республика иқтисодиётининг ривожланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки Чоржўй кўпригидан Амударё бўйлаб қумларни кесиб ўтиб, Оролгача борадиган темир йўл жуда зарур эди. Бу эса Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ҳамда Туркманистон ССРнинг айрим областларини республиканинг, умуман олганда, СССРнинг бошқа минтақалари билан темир йўл орқали иқтисодий жиҳатдан боғлаш стратегик аҳамиятга эга эди. У.Юсупов ўзининг совет сиёсий раҳбари Сталин билан яқинлигидан фойдаланиб, мазкур темир йўл қурилишига совет раҳбариятининг розилигини олади. Натижада 1947 йилнинг ёзида СССР

Министрлар Советининг Чоржўй-Тошсоққа ўртасида темир йўл линияси қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинган [6,217].

Бу каби қурилишни тез суръатларда битказиш, албатта, катта меҳнат кучларини талаб қилган, шунинг учун бу объектга республика раҳбарияти томонидан деярли юз минг киши, отлар, аравалар, кетмонлар, чўкичлар билан ишга жалб қилинади. Қурувчилар ҳақиқий меҳнат жасоратини кўрсатадилар, қирқ кун ичида Чоржўйдан Хазораспгача бўлган полотно кўтариб бўлинди, қарийб беш миллион кубометр тупроқ ағдарилди. Тупроқ ишлари битгач, трассада 17 минг киши билан битта йўл ўрнатувчи машина қолдирилган [6,219].

Лекин шунга қарамай, Ўзбекистон ССР раҳбариятининг республика манфаатини ҳимоя қилиб, бу ерда амалга оширган бунёдкорлик ишлари совет раҳбарияти томонидан кескин танқид қилинди. Чунки Ўзбекистон ССР 1947 йил пахта планини бажара олмади, яъни давлатга пландагидан 365 минг т. пахта кам топширилди. Таъкидлаш жоизки, пахта етиштиришдаги планнинг бажарилмай қолганлигининг асосий сабабларидан бири бу план топшириқларини белгилашда совет ҳукуматининг республика иқтисодий ва меҳнат ресурсларининг имконияти инобатга олинмаганлиги бўлса, иккинчи томондан шу йили об-ҳаво шароитининг ёмон келиши эди. Шу йили пахта ҳосилининг аҳволи ёмон бўлиб, баҳор чўзилиб кетди, ғўза ривожлана олмади: ҳар тупда уч-тўрттадан кўсак бор эди. Шунга қарамай юқорида таъкидлаганимиздек, пахта етиштиришнинг энг қизгин палласида республика раҳбарияти ўз эрки билан колхозчиларни дала ишларидан ажратиб олди.

Республика раҳбарияти Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVII Пленумида Марказнинг қаттиқ сиқуви остида Ўзбекистон КП (б) МК ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши пахтачиликни ривожлантириш ва бошқариш бўйича ўз ишида “бир қатор хатоларга йўл қўйганликларини ва топширилган вазифаларни бажаришни урдадай олмаганлиги натижасида 1947 йилда пахта тайёрлашни барбод қилганини” тан олишга мажбур бўлди [2,297].

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР аҳолиси урушдан кейин ҳам нафақат республика қишлоқ хўжалигини

ривожлантириш билан овора бўлди, яъни ўз ишлари доирасида қолиб кетмади, балки Украинага, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги вайрон қилинган колхозларга ёрдам сифатида икки минг трактор билан автомобиллар, юзлаб паровозлар, бир неча минг ремонт қилинган вагонлар, саккиз минг от, 170 минг қўй ва эчки юборди. Республиканинг юзлаб кўнгиллилари Сталинград ва Донбассни тиклашда иштирок этганлар [6,221].

Республика партия ташкилотининг мазкур пленуми қарорларида режа бажарилмагани учун барча масъулият республика раҳбарияти, биринчи ўринда Усмон Юсуповга юклатилган эди. Қарорда СССР СНК, ВКП (б) МК қарори “мутлақо тўғри кўрсатилган”, — деб таъкидланиб, республика сиёсий раҳбариятининг “асосий хатоси” умумдавлат манфаатини маҳаллий масалалар фойдасига эсдан чиқарган деб ҳисобланди. Бу эса колхозлар ва колхозчилар диққатини Чоржўй - Кўнғирот темир йўлининг қурилишига жалб қилинганлиги ҳамда пахтачилик учун мўлжалланган кўп миқдордаги куч ва маблағлар бошқа мақсадларга ишлатилган, деб кўрсатилган [2,297].

Шунингдек, пахта тайёрлаш плани бажарилмаганлиги сабаблари сифатида агротехника қоидаларининг бузилиши, пахта териш жараёнида меҳнат самарадорлигининг паст бўланлиги, кўплаб колхоз, бригада ва звеноларда ҳосилни йиғиш ва транспортировка қилиш жараёнидаги йўқотишлар ҳар гада 100-200 кени ташкил этганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Маҳаллий раҳбарлар томонидан назоратнинг етарлича бўлмаганлиги натижасида жуда кўп ўғирлик фактлари ва пахтани кустар ҳолда қайта ишлаш ҳоллари содир бўлди [2,298].

Партия ва давлат органлари томонидан амалга оширилган текширувлар натижасида фақат 1946 йилда 3040 та колхозлардаги (уларнинг умумий сонининг 45%) 50 мингга хўжалиқда колхоз уставида белгиланган нормадан ортиқ бўлган қўшимча томорқа ерлари мавжуд бўлган. Колхозларга аъзо бўлмаган 1994 та хўжалиқ эса ижтимоий ерлардан фойдаланган ва 2000 га ер майдони турли ташкилотларга бериб юборилган [4,472].

Ўзбекистон ССР иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги устувор

аҳамиятга эга бўлганлиги, шунингдек, пахта экин майдонларини янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириш вазифаси ҳам қўйилган эди. Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун эса Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги каби катта ирригация ва мелиорация ишларини бажариш лозим эди. Шу сабабли қурилиши тўхтатиб қўйилган Каттақўрғон ва Урта тўқай сув омборларини бунёд этишни давом эттириш, Шимолий Фарғона ва Тошкент каналларининг қурилиши, шунингдек, Марказий Фарғона ва Мирзачўлда кенг кўламдаги ирригация – мелиорация ишларини олиб бориш, Охунбобоев номидаги канални, Чимбойдаги суғориш тизимини таъмирлаш, Шовот каналидаги тўсиқ қурилиши каби ишларни тиклаш бўйича совет ҳукуматининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, натижада тез орада бу ишларнинг амалга ошиши республикада пахтачилик базасини янада кучайтириш имконини берди.

Фақат 1946-1950 йилларда пахтачиликка ажратилган экин майдонлари 148 мингга кўпайиб, ҳосилдорлик 15,6 центнердан 20,7 центнергача кўтарилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. 26 та янги машина трактор, 16 та машина-экскаватор ва 14 та машина-чорвачилик станциялари яратилди [2,525].

Ўзбекистонда урушдан кейинги биринчи йилларда республика иқтисодиётидаги яна бир тенденция мисолида, яъни саноатда хом ашё соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланганлигини кўрим мумкин. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг бу даврдаги ривожланиши учун хос бўлган жараёнларни қуйидаги фактлар мисолида кўриш мумкин: 1949 йилда 1947 йилга нисбатан нефтни қазиб олиш 30 фоизга кўпайди, кўмирни қазиб олиш 2.5 баробарга ошди, электр қувватини ишлаб чиқариш 25 фоизга, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш 32 фоизга, пўлат ишлаб чиқариш 41 фоизга ошди [5,16].

Ўзбекистонда яратилган машинасозлик саноатининг асосий вазифаси — бу, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, ирригация-мелиоратив ишлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун зарур бўлган машиналарни кенг миқёсда ишлаб

чиқаришни ташкил қилишдан иборат бўлди. Натижада 1949 йилда республика машинасозлик заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш 30 фоизга оширилди [2,565].

Ушбу факт республика саноатини, умуман Ўзбекистон ССР иқтисодиётини ривожлантиришнинг умумий тенденцияси ҳақида аниқ маълумот беради. Республика иқтисодиёти, саноатининг ўсиши мазкур даврда ва ундан кейин ҳам, биринчи навбатда, пахтачилик ва хомашё саноатининг ривожланиши билан узвий боғлаб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон ССР раҳбариятининг умумдавлат (Марказ) манфаатларини республика манфаатларидан юқори қўйишга мажбур эди. Акс ҳолда, бу нарса совет сиёсий раҳбарияти томонидан яна Ўзбекистон ССР раҳбариятининг “умумдавлат манфаатини маҳаллий масалалар фойдасига эсдан чиқариши” – дея баҳоланиб, қаттиқ жазоланиши мумкин эди.

Шунингдек, уруш йиллари Ўзбекистон ССР ҳудудига 48 та машинасозлик, металлсозлик, кимё ва бошқа оғир саноат корхоналари, 45 та енгил саноат корхоналари кўчириб келтирилди, улар республика иқтисодиётининг структурасини кескин ўзгартириб юборди [9. 53].

Урушдан кейинги йилларда республика аҳолисининг, жумладан, колхозчи ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг турмуш даражаси аста-секин яхшиланиб борди. Масалан, 1947-1950 йилларда Ўзбекистон ССР колхозларининг даромади 2,5 марта ўсди, колхозчиларнинг меҳнат ҳақида пул тўлаш ва уларнинг реал даромади сезиларли кўпайди. Масалан, пул даромади 1950 йилда, 1940 йилга нисбатан 3,5 баравар кўтарилди [1,475].

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги бу каби натижаларни республика иқтисодиёти, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ижобий фактор сифатида эътироф қилиш мумкин. Лекин шу билан бирга унинг иқтисодий ривожланишида пахта етиштириш ва пахтачилик саноатининг ривожланишига асосий урғу берилиши натижасида келажакда Ўзбекистон ССР иқтисодиётида рўй берган салбий тенденция шаклланиб борди. Пахтачилик экстенсив тарзда ривожланиши жараёнида ҳамда пахтачиликка ажратилган майдонлар шиддатли равишда кўпайиши натижасида қишлоқ аҳолиси жабрланган,

яъни пахта майдонларини кўпайтириш, маъмурий тартибда колхозчиларнинг шахсий ер - мулкларини ва уларнинг уй хўжаликларини қисқартириш ҳисобидан амалга оширилган, бу эса ўзбек халқининг фожиасига айланди [7,80]. Қишлоқ хўжалиги,

биринчи ўринда пахтачиликнинг роли республика иқтисодида устувор аҳамиятга эга бўлди, бу эса ўз навбатида унинг мамлакатдаги саноат районларига хом-ашё етказиб берувчи республикага айланиши учун замин яратди.

**Адабиётлар:**

1. История Узбекской ССР. Том II. —Т.: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1957.
2. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том второй. 1938 – 1959. —Т.: Узбекистан, 1988.
3. Осуществление Ленинских идей индустриализации в Узбекистане. —Т.: Узбекистан, 1970.
4. Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. —Т.: Узбекистан, 1974.
5. Пасилов Б.Усмон Юсупов. —Т.: Ilm-ziyo-zakovat. 2019.
6. Ресков Б., Седов Г. Усмон Юсупов. Т.: Ёш гвардия, 1977.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939 - 1991 йиллар. —Т.: Ўзбекистон, 2019.
8. Ходжиев Э.Х. История орошения и освоения Голодной степи. —Т.: Фан. 1975.
9. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. —Т.: "O'zbekiston".

*(Тақризчи: М.Исомиддинов - тарих фанлари доктори, профессор).*